

## IX. ТРАНСПОРТ

**Юк ташиш.** 2019 йил январь-март ойларида барча транспорт турлари томонидан 42,6 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 125,1 % ташкил этди.

Юк айланмаси барча транспорт турлари томонидан 319,5 млн.тн-км. ни ташкил қилди ва 116,0 % кўпайди.

### Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари

	2019 йил январь-март	2018 йил январь-мартга нисбатан % ҳисобида
Ташилган юк, млн. тн	42,6	125,1
<i>шу жумладан:</i>		
автомобил транспортида	42,6	125,1
Юк айланмаси, млн. тн-км	319,5	116,0
<i>шу жумладан:</i>		
автомобил транспортида	319,5	116,0

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг автомобил транспортининг юк айланмаси 2018 йил январь-мартга нисбатан 102,1 % кўпайди ва 124,6 млн. тн-км. ни ташкил қилди. Юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 39,0 % ташкил этди (2018 йил январь-март 44,3 %).

**Йўловчи ташиш.** 2019 йил январь-март ойларида барча транспорт турлари томонидан 153,9 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 100,9 % кўпайган. Йўловчи ташиш айланмаси ушбу даврда 101,0 % кўпайиб, 3913,8 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди.

## Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси

	<i>2019 йил январь-март</i>	<i>2018 йил январь-мартга нисбатан % ҳисобида</i>
Транспортда ташилган йўловчилар, <i>млн. киши</i>	153,9	100,9
<i>шу жумладан:</i> автомобил транспортида	153,9	100,9
Йўловчи айланмаси, <i>млн. йўловчи-км</i>	3913,8	101,0
<i>шу жумладан:</i> автомобил транспортида	3913,8	101,0

Хусусий йўловчи ташувчилар автомобил транспортида йўловчи айланмаси 2018 йил январь-март ойларига нисбатан 101,6 % кўпайди ва 3424,4 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди. Йўловчи айланмасининг умумий ҳажмида хусусий йўловчи ташувчиларнинг улуши 87,5 % ташкил этди (2018 йил январь-мартда 87,0 %).